O`zbekiston Respublikasi
Xorazm viloyati
Bog`ot tumani
H O K I M I
Q A RO R I

Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Боғот тумани
Х О К И М И
Қ А Р О Р И

220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

«2 » июл______ 2019 йил № 4752-к Боғот шаҳарчаси

Нусха №_____

**Боғот тумани «Гулзор» махалласида яшовчи фуқаро Рахманов Ҳамро Худайберганович томонидан «Гулзор» махалласида жойлашган турар жой биносининг ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини бериш хамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жой биносига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф қилиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6,19-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 апрелдаги “Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғриси”да ПФ-5421-сон фармони, Ўзбекистон Реепубликаси Вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 21 июндаги 461-сонли ва Хоразм вилояти ҳокимининг 2018 йил 26 июндаги 445-к, туман хокимининг 2018 йил 30 июндаги 1908-к-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, Боғот тумани ҳокимлиги ҳузуридаги кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътроф этиш ишларини ташкил этиш бўйича комиссиясининг далолатномаси ҳамда фуқаро Рахманов Ҳамро Худайбергановичнинг аризасини кўриб чиқиб,

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани ҳокимлиги ҳузуридаги кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни эътроф этиш ишларини ташкил этиш бўйича комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Рахманов Ҳамро Худайбергановичнинг ҳозирда фойдаланиб келаётган жами 0,002964 гектар ер майдонининг 0,002964 гектар ер майдонига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи расмийлаштрилсин, қолган.

3. Ушбу ер майдонига қурилган 0001 литердаги жами қурилиш ости майдони 29,64 квадрат метрдан иборат, шундан яшаш хоналари 1 (битта)та бўлиб ички ўлчами 12,00 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 1 (битта)та бўлиб ички ўлчами 7,80 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 19,80 квадрат метрдан иборат бўлган турар жой биносига мулк ҳуқуқини эътироф этилсин.

4. Фуқаро Рахманов Ҳамро Худайбергановичга ушбу уй-жой биноларига тегишли ўзгартриш киритиш зарурияти туғулганда туман қурилиш бўлими билан келишилган ҳолда олиб боришвазифаси юклатилсин.

5. "Гулзор" шахарча фуқаролар йиғинига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан белгиланган тартибда хўжалик дафтарига ўзгартиришлар киритиб бориш вазифаси юклансин.

6. Туман Давлат солиқ Инеспекциясига мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан амалдаги тартиб ва мудатларда ер ва мулк солиқларини белгилаш ва ундириб борилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

7. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ш.Норбоев) га туман Ер хисобати (баланс) га тегишли ўзгартриш киритиш топширилсин.

8. Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат кархонаси Боғот тумани филиалига фуқаро Рахманов Ҳамро Худайбергановичга тегишли бўлган кўчмас мулк объектларини ўрнатилган тартибда кадастр ҳужжатларини тайёрлаш ва уларга бўлган ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

9. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг саноатни ривожлантриш, капитал қурилиш, комуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари У.Матякубов зиммасига юклатилсин.

**Боғот туман ҳокими** **О.Холбоев**